

---

## “ЁШЛИК” СУВ СПОРТИ МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

Хабарингиз бор, бундан бир ой аввал Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев Фарғона шаҳар марказидаги собиқ ёшлар сув ҳавзасини бориб кўргани ва бу ерни ободонлаштириш, мақсадли равишда ҳақиқий сайлгоҳга айлантирилиши ҳақида мутасаддиларга қатъий топшириқ ва муддат берган эди.

Бугун “Ёшлик” сув спорти маркази таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди. У эндиликда ёшларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланади.

- Фарғонада бир неча ёпиқ сув ҳавзалари бўлиб, уларда 3 мингдан зиёд ёшлар сув спортининг 6 тури бўйича шуғулланмоқдалар, - дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Муроджон Дадабоев. – Байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт турини ривожлантириш мақсадида “Ёшлик” сув спорти марказида спортчиларнинг ўқув йиғин машғулотларини олиб боришларига ва келажакда Осиё, жаҳон ва олимпияда мусобақаларида юқори натижаларга эришишларига замин яратилди. Бу иншоот вилоят ҳокимлигининг жуда катта ёрдами туфайли қайта тикланди. Энди бу ерда ёш байдарка ва каноэчилар йил давомида шуғуллана оладилар.

Сув ҳавзаси ёнидаги сув спорти маҳорат мактабининг икки қаватли биноси, унинг ҳудудидаги 2 та бассейн ҳам таъмирдан чиқарилди. Биринчи кундан оқ ҳар икки сув ҳавзасида ёш спортчилар қизғин машқ жараёнини бошлаб юборишди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-09-12 18:17:49